

## Намоз - энг олиймақом ибодат | Ҳадис дарслари (268-дарс)



19:00 / 07.02.2024 2907

هُللا يَضْرِبُ رَبِّهِ يَبْأَنْعُ  
هُللا يَلْصَبُ نَلْبَانْعُ  
لَا قَمَلَسَوْهُ يَلْعَ  
هَكِئَالَّمْ مُكَيْفَنْوُبَقَاعَتَيْ  
هَرَاهَنْلَابُ هَكِئَالَّمْ وَلْيَلْلَابُ  
هَرَحَفْلَاقَالَّصِيفَنْوُعَمَتْجَيَوْ  
هَجَرَعَيْمُثُرْصَغَلَاقَالَّصَوْ

مُكْيِف اُوتَابَنِي دُلَا  
 مَلْعَوْه وَمُبَرْسَيَف  
 ؟ يَدَابِعْ مُتْكَرَتْ فَيَكْبُونْ  
 وَمُهَمَّانْكَرَتْ نَوْلُوقَيَف  
 وَمُهَمَّانْيَتْأَوْنَوْلَصُيَّ  
 نَأْخَيَشْلَأْهَورَ نَوْلَصُيَّ  
 يَئِسْنَلَأْوَ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«Ичингизда кечаси бир хил фаришталар, кундузи бир хил фаришталар алмашиб турадилар. Улар Бомдод намозида ва Аср намозида жамланиб турадилар. Сўнгра ичингизда тунаганлар кўтириладилар. Бас, Роббилари йиғни билдиб турса ҳам улардан:

**«Бандаларимни қай ҳолда тарк қилдингиз?» деб сўрайди. Улар:**

«Уларни намоз ўқиётган ҳолларида тарк қилдик. Ҳузурларига борганимизда ҳам намоз ўқиётган эканлар», дейишади», дедилар».

Икки Шайх ва Насаий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадиси шарифда зикри келаётган фаришталар бандаларни муҳофаза қилиш учун ер юзига навбат билан тушиб турадилар. Кундузи муҳофаза қилиш учун алоҳида фаришталар бор, кечаси муҳофаза қилиш учун алоҳида фаришталар бор. Улар Бомдод ва Аср намозлари вақтида

алмашадилар.

Бомдод намози вақтида тунги фаришталар кўтарилиб, кундузги фаришталар муҳофаза учун тушадилар. Ана шу вақтда икки тоифа фаришталар жамланиб, бир-бирлари билан кўришадилар.

Аср намозида эса бандаларни кундузи муҳофаза қилган фаришталар кўтарилиб, кечаси муҳофаза қиласиган фаришталар тушадилар. Бу пайтда ҳам икки тоифа фаришталар бир-бирлари билан учрашадилар.

Бандаларнинг ичида юрган фаришталар кўтарилганларида Аллоҳ таоло Ўзи билиб турса ҳам фаришталардан:

**«Бандаларимни қай ҳолда тарк қилдингиз?»** деб сўраши намозхон инсоннинг шаънини олий мақомга – Аллоҳнинг ҳузурига, Аллоҳга муқарраб фаришталар даражасига кўтаришдир. Бу эса намознинг ўта улкан ва фазилатли ибодат эканлигидандир.

### **Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:**

1. Намознинг энг олиймақом ибодат эканлиги.

Чунки Аллоҳ билан фаришталар орасидаги савол-жавобда намозгина зикр этилмоқда.

2. Бомдод ва Аср намозларининг бошқа намозлардан устун туриши.

3. Бомдод ва Аср намозларининг вақти афзал ва баракали вақтлардан эканлиги.

Чунки худди шу вақтларда фаришталар жамланадилар. Асарларда келтирилишича, ризқ Бомдод намозидан кейин тақсимланади. Кундалик амаллар эса Аср намозидан кейин Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилади. Шунинг учун ҳам бу вақтни банда тоат-ибодатда ўтказса, ризқи ва амали баракали бўлади.

4. Малоикаларнинг мусулмонлар ичига тушиб туришларидан Ислом умматининг бошқа умматлардан кўра шарафли эканлиги келиб чиқади.

5. Аллоҳ таолонинг фаришталар билан сўзлашиши.

Қаранг, намоз ўқиган одам ҳар куни икки марта Аллоҳ билан фаришталар ўртасидаги сұхбатда зикр қилинар экан. Бу қандай улуғ шараф! Кишилар бирорта амалдор у ҳақда таниш-билишидан: «**Фалончи тинч**

**юрибдими?»** деб сўраб қўйса, қанча вақт мақтаниб юрадилар. Намозхонни эса Аллоҳ таоло ҳар куни фаришталардан икки марта: **«Бандаларимни қай ҳолда тарк қилдингиз?»** деб сўрар экан. Фаришталар эса «Намоз ўқиётган ҳолларида тарк қилдик», деб жавоб берар эканлар. Намоз ўқимаганлар эса бу баҳтдан бебаҳрадирлар.

Шунинг учун ҳам намозни канда қилмайлик, ҳар куни Аллоҳ таоло томонидан икки маҳал ҳол-аҳволи сўраладиган бандалар қаторида бўлишга интилайлик.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.**